

“Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари - БХСР транспорт тизимини ўрганиш манбаси

Камол Раҳмонов –БухДУ, Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси

БХСР матбуот органлари ҳисобланган “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарининг 1920-1924 йиллар чоп этилган кўплаб сонлари билан танишилганда, мазкур йиллардаги транспорт воситалари ва уларнинг турлари, фаолияти ҳамда транспорт йўллари ҳақида маълумот олиш мумкин. Ўша давр ички транспорт воситалари сифатида от, ароба, фойтунлардан фойдаланилганлиги қайд қилинади. Хабарларда ҳукумат идоралари юк ташиш ишларини йўлга қўйиш учун республикадаги от-ароба, фойтунларни руйхатга олиш, уларни нақлиёт шўъбаси ихтиёрига келтириб топшириш кераклиги баён қилинган.¹

“Бухоро ахбори” газетасининг 1920 йил 1 декабрдаги 11-сонидан республика доҳилия (ички ишлар) назоратининг 7-рақамли буйруғи чоп этилган. Мазкур буйруқ 2 банддан иборат бўлиб, 1-бандда кимда-ким шаҳарлар ичида от югуртирса ва милицияга қаршилик кўрсатиб аҳамият бермаса қонунга мувофиқ жазо берилиши ёзилган бўлса, 2-бандида фақат фавқулодда бир жойга ўт тушса ёки бирор ҳодиса бўлса от югуртириш мумкинлиги айtilган. Буйруқ доҳилия нозир Абдулҳамид Орипов ва умумий ишлар мудир Ризо Али томонидан имзоланган.

Газета маълумотларида Бухоро шаҳар кўчаларининг торлиги, кечкурунлари баъзи кўчаларнинг қоронғулиги ва кўлмак сув туфайли ўтиш мумкин эмаслиги ёзилади. Бу эса тез-тез фавқулодда салбий ҳолатлар содир бўлибтуришига олиб келган.

«Бухоро ахбори»нинг 1922 йилги сонларида йўл иншоотлари куриб, уларни тартибга келтириш билан боғлиқ талайгина хабарлар чоп этилган.

¹ Буйруқ №1. Нақлиёт шўъбаси тарафидан. Бухоро ахбори. 3-сон. 1920 йил 29 сентябр; Нақлиёт шўъбаси тарафидан буйруқ. 8-сон. 1920 йил 21 ноябр.

Уларда ароба ва фойтунлар юрадиган йўллари тузатиш, йўл бўйларида сув сақлайдиган кудуклар қазил, кўприклар қуриш масаллари алоҳида таъкидланади.²

1923 йилда ҳукумат Когон-Бухоро тош йўлини таъмирлаш муаммосига алоҳида эътибор қаратган. «Озод Бухоро»нинг ушбу йил давомида чоп этилган сонларида маълумот берилишича, Когон-Бухоро орасидаги тош йўлни тузатиб, автомобил ҳаракатини йўлга қўйиш учун катта миқдорда маблағ ажратиш чоралари кўрилган. Мазкур йўл учун ҳукуматдан 1.933.822 сўм маблағ ажратилганлиги,³ бу ишни ниҳоясига етказиш учун яна олтин билан 55.000 сўм берилганлиги,⁴ қўшимча равишда 10.400 сўм тўпланганлиги,⁵ иқтисод шўроси томонидан 1000 олтин сўм ажратилганлиги⁶ ҳақида хабарлар берилади.

Когон (Янги Бухоро)- республика марказига қўшни давлатлардан мол келтириладиган ҳамда Бухоро моллари юбориладиган асосий темир йўл бекати бўлганлиги учун ҳукумат Когон-Бухоро тош йўлини тузатишга алоҳида эътибор қаратган. Бу йўлдан фойдаланадиган, яъни ўтиб қайтадиган от-ароба ва фойтун эгаларидан йўл солиғи олиниб, тўпланган маблағ таъмирлаш, тош ётқизишга сарфланган.

БХСР йилларида собиқ Бухоро амирлигини чор Россияси билан боғлаган темир йўл транспорти фаолияти давом эттирилганлиги, Бухоро темир йўлининг Чоржўй-Зирабулок, Когон-Термиз йўналишларини ва темир йўл станцияларини таъмирлаш, почта, телеграф, темир йўл фаолиятини узлуксиз йўлга қўйишга ҳам эътибор берилган.⁷ Газета материаллари билан танишар эканмиз, темир йўл излари 1921-1922 йиллардаги ҳарбий ҳаракатлар (қизил армияга қарши қуролли курашлар) туфайли бузилганлиги, вилоятлар ўртасидаги муттасил транспорт қатновини йўлга қўйиш имконияти мавжуд

² Йўллар тузатилувусидур. Бухоро ахбори. 100-сон. 1922 йил 21 сентябр; Йўл иншоотлари тўғрисида. Бухоро ахбори. 107-сон. 1922 йил 2 октябр.

³ Когон- Бухоро тош йўли. Бухоро ахбори. 207-сон. 1923 йил 28 сент.;

⁴ Когон- Бухоро тош йўли учун. Озод Бухоро. 22-сон. 1923 йил 11 декабр;

⁵ Когон- Бухоро тош йўлига яна пул бериладур. Озод Бухоро. 31-сон. 1923 йил 21 декабр.

⁶ Когон- Бухоро тош йўли учун яна пул. Озод Бухоро. 112-сон. 1924 йил 9 июл.

⁷ БХШЖ МИҚ тарафидан 19-буйруқ. Бухоро ахбори. 8-сон. 1920 йил 21 ноябр; Русия Ижтимоий Қўшма Шўролар Жумҳурияти билан БХШЖ орасида муҳофада. Бухоро ахбори. 11-сон. 1920 йил 1 декабр.

эмаслиги ҳақида тасаввурга эга бўламиз. “Озод Бухоро” газетаси хабарларидан бирида: «Китоб-Шаҳрисабз-Термизгача бўлгон темир йўллар ишдан чиқарилгон эди. Термиз- Шаҳрисабз йўналишидаги темир йўлни тузаттирмак учун олтин билан 2 млн. сўм тайин қилинди»⁸ деб ёзилади.

1923-1924 йилларда республика вилоят ва туманларини пойтахт Бухоро билан боғлаш мақсадида туманлараро ички темир йўллар қуриш ва ишга тушириш билан боғлиқ вазифалар кун тартибига қўйилган. 1923 йилнинг кузида Бухоро-Вобкент-Ғиждувон темир йўлини қуриш масаласи кўтарилган.⁹ Ғиждувон, Вобкентдан ташқари Қоракўл туманларини марказ (Когон станцияси) билан боғлашга ҳаракатлар қилинган.¹⁰ Лекин булар режалигича қолиб кетган.

1923 йилнинг охирларига келиб БХСРда нисбатан барқарор давр бўлди. Натижада Бехбудий (Қарши)-Китоб, Бехбудий-Ғузор темир йўлларини қуриш ишларига киришилган. «Бехбудий-Китоб темир йўли учун Бухоро ҳукумати томонидан 450.000 сўм берилди»¹¹- деб ёзади «Озод Бухоро». «1924 йилнинг 2 сентябридан 24 чақиримли Бехбудий-Ғузор темир йўли ишга тушиб, аҳоли бесаранжомлик вақтларида отлик ва аробалик юришдан қутулди. Ғузор ва Шарқий Бухоро билан алоқалар осонлашди»¹² дейилади иккинчи бир маълумотда.

Қисман ишга тушган ички темир йўллар жадвалини тузиш, поезд ва паравозлар ҳаракати вақтини белгилаш каби амалий тадбирлар ҳам кўрилган ва газета орқали жамоатчиликка эълон қилинган.¹³

Хуллас, “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари материаллари БХСР иқтисодий ҳаётининг муҳим тармоғи ҳисобланган транспорт ва темир йўл тизими тарихини ўрганиш учун манбавий асос бўла олади.

⁸ Халқ хўжалигини кўтариш йўлида янги қадам: Темир йўл ҳадлари. Темир йўлларимиз борму? Темир йўллар тузатилади. Озод Бухоро. 63-сон. 1924 йил 17 март.

⁹ Бухоро-Вобкент-Ғиждувон темир йўли. Бухоро ахбори. 205-сон. 1923 йил 23 сент.;

¹⁰ тор ҳадлик темир йўллар. Озод Бухоро. 78-сон. 1924 йил 17 апрел.

¹¹ Бехбудий-Китоб темир йўли. Озод Бухоро. 111-сон. 1924 йил 6 июл.

¹² Темир йўллар очилди. Озод Бухоро. 145-сон. 1924 йил 26 сент.; Қарши-Ғузор темир йўлини солгон ишчиларга мукофот. Озод Бухоро. 151-сон. 1924 йил 14 окт.

¹³ Поездларнинг келиб-кетиши. Озод Бухоро. 110-сон. 1924 йил 5 июл.